



## LEGAL FOUNDATIONS, DEVELOPMENT, INTRODUCTION OF ADMINISTRATIVE RESPONSIBILITY AND PROBLEMS OF IMPOSING PUNISHMENT FOR EVASION OF FINANCIAL PROVISION

*Gulshanoy Orazbaeva*

Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** minors, unable to work, person, punishment, administrative liability.

**Received:** 10.10.24

**Accepted:** 12.10.24

**Published:** 14.10.24

**Abstract:** This article describes the legal basis, development, introduction of administrative responsibility and problems of imposing punishment for evasion of materially providing for minors or persons incapable of work.

In addition, a comparative legal analysis was made with the indictment in absentia, cases related to the search (briefly covered) and the actual mechanism of administrative prosecution.

## МОДДИЙ ТАЪМИНЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНЛИК УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, РИВОЖЛАНИШИ, МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ ВА МУАММОЛАРИ

*Гулшаной Ўразбаева*  
Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз, шахс, жазо, маъмурий жавобгарлик.

**Аннотация:** Ушбу мақолада вояга етмаганларни ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий жиҳатдан таъминлашдан бўйин товлаш жазо тайинлашниң ҳуқуқий асослари, ривожланиши, маъмурий жавобгарликниң жорий қилиниши ва муаммолари ёритилган.

Шунингдек, маъмурий жавобгарликка тортишда сиртдан айблов эълон қилиш, кидирив билан боғлиқ ҳолатлар (қисқача ёритилган) ва амалдаги механизми билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

## ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ, РАЗВИТИЕ, ВВЕДЕНИЕ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ И ПРОБЛЕМЫ НАЗНАЧЕНИЯ НАКАЗАНИЯ ЗА УКЛОНЕНИЕ ОТ ФИНАНСОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

*Гульшаной Оразбаева*

Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** несовершеннолетние, нетрудоспособные, лицо, наказание, административная ответственность.

**Аннотация:** В данной статье описаны правовые основы, развитие, введение административной ответственности и проблемы назначения наказания за уклонение от материального обеспечения несовершеннолетних или нетрудоспособных лиц.

Кроме того, проведен сравнительно-правовой анализ заочного обвинительного заключения, дел, связанных с обыском (кратко освещены) и собственно механизма административного преследования.

Ўзбекистонда БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция” талабларига риоя этилишини таъминлаш, болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, оилада ҳам уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Мазкур масаланинг долзарблиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида: “Умуман ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз қўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва хунарни пухта эгаллаган, азму шижаатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз”, - деб таъкидлаган. Бу жамиятнинг тараққиёти ва унинг келажакдаги ривожини прогноз қилишда ёш авлод ҳал қилувчи роль ўйнашини англатади.

Болаларнинг умуминсоний қадриятларини хурматлаш, оналики мухофаза этиш ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ қоидаларига содик бўлиш, маънавий меросни сақлаш ва ривожлантириш, юксак ватанпарварлик, софлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш ота-оналарнинг конституциявий ва маънавий бурчидир.

Миллий қонунчиликда вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун жазонинг муқаррарлиги ушбу Конвенция ва бола ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган.

Миллий ва халқаро қонунчиликда вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлаш ва ундан бўйин товлаш учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 22.04.2019 йилдаги ПҚ-4296-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги 7-сонли “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги, 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги, 2011 йил 25 ноябрдаги 8-сонли “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги, 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги, 2016 йил 29 июльдаги 11-сонли “Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қоунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори, “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 30.11.2018 йилдаги 35-сонли, “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 20.11.2023 йилдаги 30-сонли, “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 20.11.2023 йилдаги 31-сонли қарорлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХII-сонли “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги Қарори, “Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги 2002 йил 7 октябрдаги (Кишинев ш) Конвенцияси ва бошқа ҳужжатлар ҳуқуқий асос хисобланади.

Миллий қонунчилигимизда моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик бўйича ривожланиш босқичларига эга.

Хусусан, Жиноят кодексининг 01.04.1995 йилдаги таҳририда ЖКнинг 122-моддаси “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” деб номланиб, моддий ёрдамга муҳтоҷ бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача микдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоси назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-153-сонли Қонуни билан биринчи қисм санкцияси “энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача микдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади” деб, яъни, биринчи қисмидағи “уч йилгача” деган сўзлар “икки йилгача” деган сўзлар билан алмаштирилган ва “Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сонли Қонуни билан 122-моддасининг биринчи қисмининг санкцияси “энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача микдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”, - деб баён этилган.

Иккинчи қисмининг санкцияси “уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”, - деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни билан “122-модда қуидаги таҳрирда баён этилган, яъни, “122-модда. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” деб номланиб, “Моддий ёрдамга муҳтоҷ бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо кўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади” деб баён қилинган ва ушбу норма ҳозирги кунда ҳам амалда ҳисобланади.

Мустақиллик давригача бўлган Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 104-моддаси “Нафақа тўлашдан ёки болаларини боқишдан қасдан бош тортиш” деб номланиб, Болаларини боқиши учун суд, ҳалқ судьяси, томонидан белгиланган нафақа (алимент)ни тўлашдан қасдан бош тортиш, шунингдек, ота-оналарнинг ўз тарбиясидаги вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз бўлган болаларини боқишдан қасдан бош тортишлари - икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47<sup>4</sup>-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни билан киритилган.

Ушбу Қонун билан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик учун **ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга** ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга **энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима** жазоси назарда тутилган.

Биринчи марта хукуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равища тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни билан “энг кам иш ҳақининг” деган сўзлар “базавий ҳисоблаш миқдорининг” деган сўзлар билан алмаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-829-сонли Қонуни билан 47<sup>4</sup>-модда биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилган: “ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равища жалб этишга ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади”;

Ушбу Қонун билан МЖтК 28<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиб, “ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равища жалб этиш” жазоси киритилган.

Бу юзадан Олий суди Пленуми тушунтиришларига кўра, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш тариқасидаги маъмурий жазо вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ёхуд ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун қўлланилади.

Бунда, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар иш ҳақининг эллик фоизи алимент мажбуриятлари бўйича қарзни тўлашга йўналтирилиши тушунтирилган.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга (аёллар 55 ёшдан, эркаклар 60 ёшдан), ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, доимий ишга эга шахсларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди”;

“Бунда, МЖТК 29-1-моддасининг учинчи қисмига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тартибда чиқариб юбориш Ўзбекистон Республикаси фуқаросига алимент тўлаш бўйича мажбуриятларга эга бўлган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди”.

Россия, АҚШ, Грузия, Молдова, Украина ва бир қатор бошқа давлатлар қонунчилигига кўра, алимент тўлашдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан мажбурий жамоат ишлари шаклидаги таъсир чораси қўлланилади. Унга кўра, меҳнат эвазига олинадиган ҳақ қарздорликни бартараф этишга йўналтирилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 28<sup>1</sup>-моддасига “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар **иш ҳақининг эллик фоизи** алимент мажбуриятлари бўйича қарзни тўлашга йўналтирилади,” деб белгиланган нормасидаги “иш ҳақининг эллик фоизи” жумласини “иш ҳақи” жумласи билан ўзгариши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу каби давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб 47<sup>4</sup>-модда биринчи қисмининг санкциясига ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш жазоси киритилган.

Бундан ташқари, моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарлиги учун Беларусь, Буюк Британия, Истроил, Қозогистон, Канада, Польша, Россия, АҚШ, Финландия каби давлатларда маҳсус ҳуқуқларни, жумладан, ов қилиш ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш қарз ундиришнинг самарали воситаси бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Мисол учун, Россияда мазкур механизм жорий этилганидан сўнг бир йилда 1,9 миллиард рублдан зиёд алимент қарздорлиги ундирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич қарздорга нисбатан қўзгатилган жиноят ишлари доирасида ундирилган пул маблағларидан уч баравар кўпроқни ташкил этган.

Миллий қонунчилигимизга алимент тўловларини ундириш тизими самарадорлигини ошириш юзасидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бунда:

а) алимент бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда қарздорлик тўлиқ бартараф этилгунига қадар:

карздорнинг транспорт воситасини бошқариш хукуқини вақтинча чеклаш;

карздорга лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга бўлган давлат хизматларини вақтинча кўрсатмаслик;

б) алимент бўйича қарздорлик мавжудлигини никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳолат сифатида белгилаш назарда тутилаётган бўлсада, бугунга қадар бу юзадан қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилмади.

Моддий таъминлашдан бўйин товлаб келаётган қарздорларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд бўлсада, уларнинг яшаш жойини ўзгартириши, вақтинча яшириниши, доимий кўчиб юриши натижасида қидирув эълон қилинади ва топиш учун муайян вақт талаб қилинади, бу борада шахснинг ҳаракатларида хукуқбузарлик таркиби мавжуд бўлсада, маъмурий хукуқбузарга нисбатан ишни сиртдан кўриш бўйича қонунчиликда норма мавжуд эмас.

Жиноят-процессаул қонунчилиги бўйича Қидирув эълон қилинган айланувчига нисбатан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома айланувчининг иштирокисиз кўриб чиқлади. ЖПКнинг 241-моддасига биноан сиртдан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан у тегишли ваколатли органга келтирилган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичida суд тартибида шикоят қилишга ҳақли. Бироқ, МЖтКда судлар томонидан қидирув эълон қилиш хукуки бўйича бирон-бир норма мавжуд эмас. Бироқ, амалиётда алимент тўловчи қарздорга нисбатан Мажбурий ижро органлари томонидан МЖтКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси бўйича хужжатлар расмийлаштирилиб, юборилганидан кейин қарздорлар яшириниб олиш ёки бошқа вилоятларга чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Судлар томонидан бу каби ҳолатлар бўйича қарздорга сиртдан айблов эълон қилиб, уни қидириш тўғрисида қарорлар чиқарилиб, ижроси ички ишлар органлари томонидан таъминланиб, қарздорга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминлаб келинмоқда. Бу амалиётда қўллаб кўрилди ва бола хукуқларини кафолатлашда суд хужжатлари ижросини таъминлашда ўзининг ижобий натижасини бергани кузатилди. Бироқ бунинг хукукий асоси мавжуд эмас, судлар қонунчилик аналогиясидан келиб чиқиб, болалар манфаатида шу каби қарорлар чиқариб келмоқда ва бу юзадан Олий суд Пленумининг тушунтириши ҳам мавжуд эмас.

Шу ўринда Оила қонунчилигига назар ташласак, вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ болаларига алимент тўлаш ҳакидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар ушбу Кодекснинг 79-моддасига асосан ота-оналик хукуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ота-онасига моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорларини бажармаслик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47<sup>4</sup>-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни билан киритилган бўлсада, бу юзадан Оила кодексига ўзгартириш киритилмасдан қолган.

**Юқоридагиларга кўра,** Оила кодексининг 116-моддасини қуидагича ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

**1.** Вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ болаларига алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар ушбу Кодекснинг 79-моддасига асосан ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилиниши, ёки **маъмурий**, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ота-онасига моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорларини бажармаслик **маъмурий**, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

**2.** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 28<sup>1</sup>-моддасига “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар **иши ҳақининг эллик фоизи** алимент мажбуриятлари бўйича қарзни тўлашга йўналтирилади,” деб белгиланган нормасидаги “иши ҳақининг эллик фоизи” жумласини **“иши ҳақи”** жумласи билан ўзгартириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Қидиув эълон қилинган хуқуқбузарни хуқуқбузарлик содир этганликда айбли деб топиш билан боғлиқ нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ([president.uz](http://president.uz))
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; 30.04.2023 йил манбаа: (<https://lex.uz/docs/6445145>);
3. 30.04.1998. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ([lex.uz](http://lex.uz))
4. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ([lex.uz](http://lex.uz))
5. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ([lex.uz](http://lex.uz))
6. 757-XII-сон 09.12.1992. Бола хукуqlari тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида ([lex.uz](http://lex.uz))

7. ЎРҚ-153-сон 16.04.2008. Вояга етмаган шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида (lex.uz)

8. ЎРҚ-421-сон 29.03.2017. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (lex.uz)

9. ЎРҚ-459-сон 09.01.2018. Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (lex.uz)

10. ЎРҚ-586-сон 03.12.2019. Мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (lex.uz)

11. ЎРҚ-829-сон 11.04.2023. Хотин-қизлар ва болалар хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (lex.uz)

12. ПФ-87-сон 07.03.2022. Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-куватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23-сон 11.09.1998. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида (lex.uz) қарори;

14. 30-сон 20.11.2023. Хотин-қизлар ва болалар хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг маъмурий хуқуқбузарлик ҳамда жиноят ишлари бўйича айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (lex.uz)

15. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар, 1988 йил 1 январгача киритилган ўзгартишлар билан, “Ўзбекистон” нашриёти, 1988 йил.

16. Алиментни ундириш: миллий амалиёт ва хорижий тажриба / ADOLAT ижтимоий-сиесий газетаси (adolatgzt.uz). С.Нурбердиев, “Адолат” 2020 йил 18-сон.